

йўрикнома»га ҳамда бошқа норматив хужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи хужжатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» газ суюқлигини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган газ суюқлиги қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни газ суюқлигини кечикзтириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган газ суюқлиги етказиб берилганда «Истеъмолчи» газ суюқлигини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб дараҷасида бўлмаган газ суюқлиги қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот қиймати тўланган бўлса,

белгиланган тартибида тўланган маблағни қайтиб олиш хуқуқига эга. Талаб дараҷасида бўлмаган газ суюқлиги етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибида ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва газ суюқлигини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган махсулотининг умумий қийматини 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Газ суюқлиги тўлиқ олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, махсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга хақли. бунда у мазкур махсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган газ суюқлиги тўловини 60 қунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конунга биноан қўлланилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «19» январдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекс”ининг 122-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибида Фазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирилаши ва бошқа табиий оғатлар сабабли бажармаса хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун хужжатларида белгиланган тартибида хўжалик судлари томонидан ҳал қилинади.

11.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равища бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина хақиқий ҳисобланади.

11.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

11.4. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача кучда бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.